

---

## "Тараққиёт" кичик саноат зонасида нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш заводи бунёд этилади

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Тошлоқ туманида ташкил этилган "Тараққиёт" кичик саноат зонасига ташриф буюриб, ўндан ортиқ лойиҳалар билан танишди.

Ташаббускор тадбиркорлар томонидан лойиҳанинг мақсади, қиймати, ишчи ўринларнинг жоатилиши, маҳсулотнинг харидорлиги ва экспорт чиқарилиши тўғрисида маълумотлар берилди. Вилоят ҳокими тадбиркорларга, туман ҳокими, секторлар ҳамда мутассадиларга лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

Ташриф давомида "Тараққиёт" кичик саноат зонасидан 12 гектар ер майдони ажратилган "NEW WORLD GAZOIL" МЧЖнинг қурилиш ишларининг бошланишига қурбонлиқ қилинди ва тамал тоши қўйилди.

Мазкур корхона томонидан нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш заводини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилади. Жорий йилда лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилиб 1000 га яқин, кейинги босқичларда эса жами 1881 та янги ишчи ўринлар яратилиши белгиланган.

2021-03-27 14:38:07